

Омина ижтимоий ва маърифий журнал 1438

Рабиъул аввал 2 сон



17:04 / 16.12.2016 8759

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

У Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан, уни барча динлардан устун қилиш учун юборган Зотдир. Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.

Аллоҳ таолога Ўзига муносиб ҳамду сано, Саййидимиз Муҳаммад мустафога ададсиз салом-салавотлар бўлсин!

Муҳтарам, мухлисалар!

Сиз азизларни 1438-ҳижрий сана Рабиъул аввал ойининг кириб келиши муносабати билан муборакбод этган ҳолда "Омина" ижтимоий ва маърифий журналининг Мавлидга аталган навбатдаги сони чиққанини

маълум қиламиз. Эгаллаётган илмларингизни Яратган манфаатли қилсин!

Яна келдинг, Рабиъул аввал,
Хуш кайфият, хуш ифор олиб.
Муборак зот туғилган сенда,
Кўнгилларга муҳаббат солиб.
Ташрифингни хайрли этсин,
Қодир Эгам ҳар бир умматга.
Салавот ҳам саломлар йўллаб,
Эришайлик буюк ҳимматга!..

[Мавлиди шариф барчангизга муборак ва барокатли бўлсин!](#)